

“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ” – истиқлол йилларида Ўз-ннинг таълим тизимига жорий этилган ўқув фани. У Ўз-н Президентининг 1994 йил 23 апрелдаги “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини тузиш тўғрисида”, 1996 йил 9 сентябрдаги “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”, 1999 йил 3 сентябрдаги “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонлари ва 1998 йил 24 июндаги ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўз-ннинг барча олий ўқув юртларида ўқитила бошлаган. “М.а.”ни ўқитишдан кўзланган асосий мақсад юксак маъ-ятга эга бўлган ёш авлодни тарбиялашдан иборат. Бу ўз навбатида мам-тимизда кадрлар тайёрлаш борасида қўйилаётган асосий вазифалардан биридир. Ана шу вазифаларни бажариш жараёнида М.а.га бўлган талаб ортиб бормоқда. Бу эса ушбу соҳага эътиборни янада кучайтирди. Мам-тимизда 2002 йилдан бевосита шу соҳа билан шуғулланадиган мутахассислар тайёрлаш бошланди, 15дан ортиқ олий ўқув юртида “Миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқ” асослари йўналиши бўйича мутахассислар етиштириб берадиган бўлимлар очилди. Мактабларнинг 7-8-9-синфларида “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани жорий этилди. “М.а.” фани доирасида маъ-ятнинг мазмун-моҳияти, категория ва т.лари, уларнинг ўзаро муносабатлари ва хус-ятлари, маъ-ятнинг таркибий қисмлари, уларнинг рив-ш хус-ятлари, маъ-ят ва иқтисоднинг ўзаро боғлиқлиги, маъ-ятда миллийлик ва умуминсонийликнинг намоён бўлиши каби масалалар ўрганилади. Шу билан бирга, Ў.О. фал-й тафаккурида маъ-ят ва маърифат масалалари, Ислом Каримов асарларида маънавий баркамол инсонни тарбиялаш ғоялари, ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига садоқат мезонлари, имон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик ва вафодорлик каби фазилатлар, миллий ўзликни англаш, уни мустаҳкамлаш ва миллатлараро тотувликни таъминлаш кабилар ҳам “М.а.”нинг асосий мавзулари ҳисобланади. “М.а.” фани доирасида маънавий саводхонлик, қонунга итоаткорлик, давлат тизимига ҳурмат, фуқаролик бурчига садоқат каби мавзулар, шахс маъ-ятини ривожлантириш омиллари ва воситаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилади. Бугунги кунда “М.а.”ни ўргатишда Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари алоҳида аҳамият касб этади. Бу асарда мазкур ўқув фанига доир барча мавзуларнинг мазмун-моҳияти ва наз-й асослари кўплаб далиллар ва мисолларга таяниб чуқур ва ҳар томонлама кўрсатиб берилган. Асардаги хулоса ва мулоҳазалар, ғоя ва қарашларни маънавий йўналишдаги адабиётлар, жумладан, “М.а.” бўйича дарслик ва қўлланмаларга сингдириш, таълим-тарбия жараёнига қўллаш бу соҳадаги барча ходимлар ва мутахассислар учун устувор вазифага айланди.